

ШАРТНОМАСИ № 14

«05» январ 2022 й

Бухоро шаҳар

Бундан буён матнда “Бажарувчи” деб аталувчи корхона тўғрисидаги Низом асосида фаолият олиб боровчи “Махсусавтохужалик” МЧЖ автокорхонаси номидан раҳбар А.Ш.Назаров бир томондан, ва бундан буён матнда “Буюртмачи” деб юритувчи Бухоро шаҳар муҳофазаси ислоҳоти номидан узининг устави асосида иш юритувчи Р. Матмуробов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома тузилди:

1. Шартнома мазмуни

- 1.1 “Буюртмачи” топширади, “Бажарувчи” эса Бухоро шаҳар _____ чикинди сақлаш қутиларидаги каттик маиший чикинди (ҚМЧ) ларни ташиб чикиб кетиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса хизмат тўловларини таҳлаб бориши шарт.
- 1.2 Қ.М.Ч.ларнинг умумий ҳажми бир йилга _____ м.кубни ташкил этади.

2. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

- 2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх ҳар бир м.куб ҚМЧ учун 60 585,45 сўм (ҚҚС 15% билан).
- 2.2 Шартнома бўйича 2022 йил 1 йиллик кўзда тутилган тўлов суммаси _____ (_____) сўмни ташкил этади.
- 2.3 Агар кўрсатилган хизматлар шартнома суммасидан ошган тақдирда, тўловлар ҳисоб-фактуралар асосида амалга оширилади.
- 2.4 Ҳар ойнинг 25 санасигача кейинги ойнинг режавий иш ҳажмига (бюджет ташкилотларида шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб олдиндан 100% фоиз миқдорида тўловларни амалга ошириш.
- 2.5 Ҳар ойнинг 25 санасигача ўтган ҳисобот ой учун кўрсатилган хизмат тўловларини “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига ҳисоб-фактура асосида тўлик тўлаб бериш.

3. “Буюртмачи” мажбуриятлари

- 3.1 Каттик маиший чикиндиларни йиғилиш ҳажми ва олиб чикиб кетиш муддатига биноан керакли миқдорда чикиндилар йиғиш қутиларини алоҳида шартномалар ва тўловлар асосида сотиб олиш.
- 3.2 ҚМЧ ташланадиган қутиларни қурилиш ва йирик ҳажмдаги чикиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш ҳамда бу чикиндиларни ташиб кетиш учун алоҳида бир мартабалик шартнома тузиш.
- 3.3 Чикинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чикинди тўплаш қутиларига автомашиналарини эркин яқинлашишини ва чикинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш.
- 3.4 ҚМЧни ташиб чикиб кетилиши учун 65-228-10-28 га ўз вақтида буюртма бериш ёки график асосида олинишини доимий назорат қилиш, ушбу тартиб бузилган ҳолларда 65-228-90-32 телефони орқали “Бажарувчи”га маълумот бериш.
- 3.5 Бажарилган ишнинг ҳажмини “Бажарувчи”нинг ҳужжатларида “Буюртмачи” вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан ҳамда м.кубда тасдиқлаб бориш.
- 3.6 Ҳар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномаси расмийлаштириш.

4. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари

- 4.1 Алоҳида шартнома ва тўловлар асосида “Бажарувчи” “Буюртмачи”га чикинди йиғиш қутиларни керак бўлган миқдорида сотиш.
- 4.2 “Буюртмачи” ҳудудидан ҚМЧ ташланадиган махсус қутилардан махсус автомашиналарда буюртма ёки жадвал асосида чикиндиларни олиб чикиб кетилишини таъминлаш.
- 4.3 “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан қўшимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чикиндиларни, шох-шаббаларни олиб чикиб кетиш учун транспорт ажратиш.
- 4.4 “Буюртмачи” томонидан ҚМЧ ни ўз вақтида олиб чикиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида “Буюртмачи” ҳудудидан чикиндиларни олиб чикиб кетиш.
- 4.5 Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

5. Тарафларнинг жавобгарликлари

- 5.1 “Бажарувчи” томонидан ҚМЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда “Буюртмачи” 65-228-90-32 телефон орқали “Бажарувчи” нинг вакилини далолатнома тузиш учун чақиртириш. Агар “Бажарувчи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 1 кун ичида ҚМЧ олиб чикиб кетилмаса, “Буюртмачи” жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асое ҳисобланади.
- 5.2 “Бажарувчи” ўз вақтида ҚМЧ олиб чикиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида ҳар бир кун учун олиб чикиб кетмаган ҚМЧ ҳажми кийматидан 0.5% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда “Буюртмачи”га пеня тўлайди.

5.3 "Буюртмачи" шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,5% миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%дан ошмаган миқдорда "Бажарувчи" га пеня тўлайди.

5.3 Жарима ва пеня тўлаш тарафларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар тарафларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда иктисодий суди томонидан ҳал қилинади.

6.2 Тарафларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

6.3 Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ҚМЧнинг ҳажми "Буюртмачи" нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки "Буюртмачи" "Бажарувчи" нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, "Бажарувчи" жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

7. Форс-мажор.

7.1 Форс-мажор ҳолати содир бўлганда тарафлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, раҳбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий кийинчиликлар қабилад форс-мажор ҳолатига қирмайди).

8. Қўшимча шартлар

8.1 "Бажарувчи" хом-ашё, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари ва энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга ҳақлидир ва "Буюртмачи"ни бу тўғрида ёзма равишда огоҳлантиради.

9. Шартноманинг муддати

9.1 Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар икки томонлама имзо ва муҳрланган кундан бошлаб кучга киради ва амал қилиш муддати 31.12.2022 гача.

9.2 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 121 ва 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишига оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга киради назарда тутилган.

9.3 Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу ҳақида бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантиради, аке ҳолда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган ҳисобланади.

9.4 Тарафлар шартнома муддати тугагандан сўнг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилингунга қадар кучини йўқотмаган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар билан тузилган шартномалар бундан мустасно.

9.5 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси "Буюртмачи"да, иккинчи нусхаси "Бажарувчи" ташкилот ҳисобланган "Маҳсулсавтохужалик" ИЧБда сақланади.

10. Тарафларнинг юридик манзилгоҳлари ва тўлов реквизитлари

«Бажарувчи»

«Маҳсулсавтохужалик» МЧЖ

Манзил: Бухоро шаҳар, Абай кўчаси, 64
Тел./факс: (65) 228-10-28, (91) 411-93-39 (дисп.)
(90) 711-22-27 (бухгалтерия)
Х/р: 20210000800405193001
Банк номи: Ипотека Сардор филиал
МФО:00119 СТИР:201189067
ОКОНХ:87320



Раҳбар
(имзо)
М.у.
Юрист
(имзо)

А.Ш.Назаров
Д.Жумаев

«Буюртмачи»

Бухоро шаҳар мудоора ишлари
бухоро

Бухоро И. Муллонов 32
Тел 223 2189, 223 0652
ШХВ:
ИНН 201564244 ОКОНХ
Ғазначилик бўлинимаси номи
Бухоро буйича Ғазначилик бўлинимаси
Ғазна: х/р 23402000300100001010
Банк номи: Тошкент вилоят
Марказий банкнинг ХККМ
МФО:00014 СТИР: 201122919



Раҳбар
(имзо)
М.у.
Юрист
(имзо)

Р. Шатматов
(Ф.И.Ш)

Э. Ҳоқуров
(Ф.И.Ш)